

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА СИРТҚИ (МАХСУС СИРТҚИ) ВА КЕЧКИ (СМЕНАЛИ) ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3153-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагилар:

Олий таълим муассасасида сиртқи (максус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби түғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Олий таълим муассасасида кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби түғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта максус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 21 ноябрь,  
930-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорига  
**1-ИЛОВА**

### **Олий таълим муассасасида сиртқи (максус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби түғрисида** **НИЗОМ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Таълим түғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3153-сон ҳамда «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида максус сиртқи бўлимларни ташкил этиш түғрисида» 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3183-сон қарорлари асосида олий таълим муассасасида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича сиртқи (максус сиртқи) таълимни (кейинги ўринларда сиртқи (максус сиртқи) таълим деб аталади) ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида сиртқи (максус сиртқи) таълим Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ ташкил этилади.

3. Сиртқи (максус сиртқи) таълим қўйидаги шаклларда олиб борилади: сиртқи шакл, максус сиртқи шакл, иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришнинг сиртқи шакли.

4. Ушбу Низом соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

#### **2-боб. Сиртқи (максус сиртқи) таълимга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил қилиш**

5. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш:  
сиртқи шаклда — умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта махсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишли хужжатга эга бўлган ва тест синовларидан (кириш имтиҳонларидан) муваффақиятли ўтган;

махсус сиртқи шаклда — фақат тегишли ёки турдош таълим йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-хунар маълумотига ва таълим йўналишига мувофиқ соҳа, касб, лавозимларда камидан уч йиллик амалий иш стажига (педагогика йўналишлари учун педагогик стажга) эга бўлган, тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан берилган тавсияномага эга, тест синовларидан (кириш имтиҳонлари ёки касбий сухбатдан) муваффақиятли ўтган;

иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришнинг сиртқи шаклда — олий маълумотга эга бўлган (агар хорижий олий таълим муассасасини тугатган бўлса, олий маълумот тўғрисидаги хужжати белгиланган тартибида тан олинган (нострификация қилишган) бўлиши керак) ва тест синовларидан (кириш имтиҳонларидан ёки касбий сухбатдан) муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **низомга** мувофиқ амалга оширилади.

7. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш муддати:

сиртқи шаклда — камидан 5 йил;

махсус сиртқи шаклда — камидан 3 йил;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълим негизидаги сиртқи шаклда — камидан 3 йил. Бунда, ўқув ўкув режаларидаги фанлар фарқидан қатъи назар, бакалавриат таълим йўналишининг 2-курсидан бошланади.

8. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларига талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

9. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларини ўкув адабиётлар ва материаллар билан олий таълим муассасаси таъминлайди ва билим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабалари олий таълим муассасасининг барча ўкув жиҳозлари, аудиторияси, лабораторияси, кутубхонаси, ахборот-ресурс марказлари ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалари хизматидан бепул фойдаланади.

10. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш бўйича олий таълим йўналишларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати 1:20 этиб белгиланади.

Таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари қонун хужжатлари асосида белгиланади.

11. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги **низомга** асосан амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

12. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимдан кундузги таълимга ҳамда сиртқи (махсус сиртқи) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчисига кўчиришга рұхсат берилади.

*(12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.02.2020 й., 09/20/59/0126-сон)*

### **3-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўкув жараёнини ташкил қилиш**

13. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўкув жараённи таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим йўналишлари малака талаблари асосида тайёрланган

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан кундузги таълим учун тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ташкил этилади.

14. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда таълим йўналишларининг ишчи ўқув режаси ва фан дастурлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

15. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда ўқув жараёни жадвали белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режасида қайд этилади.

16. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълим талабаси учун ўқишга қабул қилинган ўқув йили бошида (одатда, сентябрь-октябрь ойларида) бевосита олий таълим муассасасида 10 кунлик ўқув жараёни билан дастлабки таништирув ҳамда семестр давомида ўқитиладиган фанлар бўйича қисқача (ишчи ўқув режасида белгиланган ҳажмда) маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари ўтказилади. Талабаларга мавзулар бўйича топшириклар ва уларни бажариш юзасидан методик кўрсатмалар берилади.

17. Ўқув сессиясига бўлган муддатда сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда ўқиши мустақил, жумладан, масофадан туриб таълим олиш шаклида амалга оширилади.

Бунда талаба методик кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда ишчи ўқув режада семестр учун режалаштирилган фанларнинг дастурларида белгиланган мавзуларни мустақил ўзлаштиради.

18. Талаба фан бўйича топширикларни бажаргандан сўнг, уни фан ўқитувчисига белгиланган муддатларда (одатда, масофадан туриб Интернет орқали) юборади ҳамда қайддан ўтказади. Фан ўқитувчиси талаба юборган материалларни текшириб, оралиқ иши сифатида баҳолайди. Фан ўқитувчиси мавзулар бўйича навбатдаги топшириклар ва кўрсатмаларни юбориши, шунингдек, он-лайн режимида ўқув машғулотларини ўтказиши мумкин.

19. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълим талабаси ҳар бир семестр давомида бир марта олий таълим муассасасига ўқув сессиясига чақирилади. Бунинг учун унга ўқув сессияси бошланишига қадар (камида 10 кун олдин) белгиланган шаклда хабарнома юборилади.

20. Ўқув сессияси давомида:

талаба семестр учун берилган топширикларни ҳимоя қиласи; Фан бўйича барча топшириклар ижобий баҳоланган тақдирда талабага фан бўйича якуний баҳолашга кириш хукуки берилади;

фанлар бўйича якуний баҳолашлар ўтказилади;

навбатдаги семестр давомида ўқитиладиган фанлар қисқача (ишчи ўқув режасида белгиланган ҳажмда) маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари орқали таништирилади. Ушбу машғулотлар талабага навбатдаги семестр давомида фанларни ўзлаштириши ва топширикларни бажариши учун асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш усуллари ва технологияларини ўргатишга қаратилади. Мавзулар бўйича топшириклар билан уларни бажариш юзасидан методик кўрсатмалар берилади.

21. Ўқув сессияси давомида ўтказиладиган маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларида илғор усул ва технологиялардан (жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гурӯҳ бўлиб ҳал этиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва бошқалардан) фойдаланилади.

22. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда талаба тасдиқланган ишчи ўқув режасидаги барча ўқув фанларини ўзлаштириши шарт. Талабалар билимини баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда оралиқ ва якуний баҳолаш турлари жорий қилинади.

Оралиқ баҳолашнинг мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари ҳамда сони (бир ўқув семестри давомида икки марта гача) ҳар бир фан бўйича сиртқи (маҳсус сиртқи) таълим учун тайёрланган ишчи фан дастурларида белгилаб берилади ва қуйидаги мустақил иш турларидан иборат бўлади:

курс (лойиҳаси) иши;

назорат саволлари ва топшириклари;

тест-синов саволлари;  
кейслар, машқлар, мисол ва масалалар;  
тажриба натижалари;  
ишлиб чиқариш муаммоларини хал этишга йўналтирилган маҳсус методик ишланмалар ва тавсиялар;  
хисоб-жадвал ишлари ва бошқалар.

Оралиқ баҳолаш масофавий алоқа орқали он-лайн режимида ўтказилиши ҳам мумкин.

24. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълим талабаларининг малакавий амалиётлари ишчи ўқув режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Одатда, битирув малакавий иши олди амалиётидан бошқа амалиётлар (таълим йўналишига мос бўлган ҳолда) талабанинг ишлиб турган иш жойида мустақил равишда ўтказилади.

Битирув малакавий иши олди амалиёти талабанинг иш жойи таълим йўналишига мос бўлмаган ҳолда, шунингдек, ишламаётган талабалар учун барча малакавий амалиётлар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган обьектда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Малакавий амалиётларнинг ҳисботлари ўқув сессияси даврида белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

25. Муайян курсдаги фанларни тўлиқ ўзлаштирган талаба олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан кейинги курсга ўтказилади.

26. Узрли сабаблар (касаллик, табиий оғат, хизмат сафари, оғир оиласи ҳақида оиласи) туфайли муайян курсдаги фанларни белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади ва ундан муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим.

Шахсий жадвални белгиланган муддатда бажара олмаган талаба қайта ўқиш учун курсда қолдирилади. Талаба биринчи курснинг биринчи семестридаги академик қарздорликни белгиланган муддатда бартараф этмаган тақдирда, талабалар сафидан четлаштирилади, касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар бундан мустасно.

27. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очилади ҳамда унда олий таълим муассасасидаги фаолиятининг тўлиқ мониторинги юритилиб, қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

оралиқ ишларининг бажарилиши;  
оралиқ ва яқуний баҳолашлар натижалари;  
давлат аттестацияси баҳолари;  
битирув малакавий иши бўйича баҳо;  
курсдан курсга ўтганлиги.

#### **4-боб. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланиш**

28. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни мустақил масофадан туриб ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

29. Масофадан туриб ўқитиш он-лайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузалар, консультациялар, назорат турларини ўтказиш) ва офф-лайн (масофадан туриб ўқитиш тизимида тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимларида ташкил этилади.

30. Масофадан туриб ўқитиш жадвали сиртқи (маҳсус сиртқи) бўлим бошлиғи томонидан белгиланади.

31. Сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланганда ўқув курсларининг сифати ва самарадорлигининг доимий назорати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Масофадан туриб ўқитишнинг техник таъминоти олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

32. Сиртқи (максус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларини жорий этиш дастурий платформаси, регламенти ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

33. Сиртқи (максус сиртқи) таълимда таълим фаолиятини амалга оширувчи кафедралар профессор-ўқитувчилари масофадан туриб ўқитишда ўқув материаллари, топшириқлар ва маслаҳат-консультатив ишларни олий таълим муассасаси сайтидаги «Сиртқи (максус сиртқи) таълим» саҳифасига жойлаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланган ҳолда таълим берувчи профессор-ўқитувчилар учун ўқув юкламаси белгиланган тартибда белгиланади.

34. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, сиртқи (максус сиртқи) бўлим бошлиғи ва тегишли кафедра мудири масофадан туриб ўқитишни таъминлайди.

Масофадан туриб ўқитишда ўқув-методик жараённи такомиллаштириш ва илмий-методик масалалар олий таълим муассасаси ўқув-методик кенгаши йиғилишида муҳокама қилиб борилади.

#### **5-боб. Сиртқи (максус сиртқи) таълимда давлат аттестациясини ташкил этиш**

35. Сиртқи (максус сиртқи) таълимда давлат аттестацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Давлат аттестациялари ўқув режасида кўрсатилган фан (фанлар мажмуаси) бўйича ўтказилади.

36. Ўқув режасида битирув малакавий ишини бажариш назарда тутилган тақдирда, битирув малакавий иши олий таълим муассасаси бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва сиртқи (максус сиртқи) таълимда битирув малакавий иши мавзуси ва мазмуни асосан талабаларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

37. Сиртқи (максус сиртқи) таълимда таълим йўналиши ишчи ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига Давлат аттестация комиссиясининг қарори асосида «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги бакалавр дипломи иловаси билан берилади.

#### **6-боб. Сиртқи (максус сиртқи) таълим талабаларининг олий таълим муассасасида ўқув сессиясида иштирокини таъминлаш**

38. Сиртқи (максус сиртқи) таълим талабаларига ўқув сессиясида иштирок этиш учун ишлаб турган жойидан камида 30 календарь кунлик ўртacha ойлик маоши сақланган қўшимча таътил берилади. Курсда қолдирилган талабаларга эса ҳақ тўланмайдиган тақлиф харномаси берилади.

39. Сиртқи (максус сиртқи) таълим битирувчисига якуний давлат аттестацияларидан ўтиш, битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш учун таълим йўналиши ўқув режаси ва жадвалида белгиланган муддатларда ишлаб турган жойидан камида 30 календарь кунлик ўртacha маоши сақланган қўшимча таътил берилади.

40. Битирув малакавий ишини якунлаш даврида битирувчи хизмат қилаётган муассаса унга 30 календарь кунлик маоши сақланмаган қўшимча таътил бериши мумкин. Талаба иш жойидан ташкилот раҳбари ва бухгалтери имзоси билан шу давр учун ҳақ тўланмайдиган таътилда эканлиги тўғрисидаги маълумотномани Сиртқи (максус сиртқи) бўлимга тақдим этади.

41. Битирув малакавий ишининг якунланганлиги тўғрисида унинг ҳимояси белгиланган кундан бир ҳафта муддат аввал сиртқи (максус сиртқи) бўлим бошлиғи ва мутахассис тайёрловчи кафедра мудири номига билдиригига ёзилади ва тегишли ҳужжатда қайд қилинади. Билдиригига талаба ёки унинг илмий раҳбари томонидан берилиши мумкин.

#### **7-боб. Сиртқи (максус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини бошқариш**

42. Сиртқи (максус сиртқи) таълим мавжуд бўлган олий таълим муассасаларида бўлим бошлиғи ва ўқув-методик ишлар бўйича методист лавозимларидан иборат бўлган Сиртқи

(максус сиртқи) бўлим ташкил этилади. Бунда бўлим штат жадвали деканатлар учун белгиланган нормативларга мувофиқ шакллантирилади.

43. Сиртқи (максус сиртқи) бўлимни олий таълим муассасаси факультетининг декани мақомига тенглаштирилган бошлиқ бошқаради.

Бўлим бошлиғи:

сиртқи (максус сиртқи) таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил қилиш бўйича иш берувчилар билан шартномалар тузади;

ўқитишининг янги технологиялари татбиқ қилинишини ва талабалар ўзлаштириши назорат қилинишини таъминлайди;

талабаларнинг битирув малакавий ишлари мавзуларини мувофиқлаштиради ва тасдиқлайди;

талабалар билан ўқув ва тарбиявий ишлар олиб бориш самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

мехнат муҳофазаси, техника ва ёнгин хавфсизлиги бўйича тадбирларни, бўлим ходимларининг ички тартиб ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилишини ташкил этади;

ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-методик, илмий ишларини режалаштиради, ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисларида, ректоратда, факультет ва кафедраларда сиртқи (максус сиртқи) таълим манфаатларини ўз ваколати доирасида ҳимоя қиласида ва амалга оширади;

талабаларнинг курс иши ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун сиртқи (максус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларни тақсимлайди;

Сиртқи (максус сиртқи) бўлимнинг олий таълим муассасасининг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқасини таъминлайди.

44. Сиртқи (максус сиртқи) бўлим маъмурий бошқарув жиҳатдан олий таълим муассасаси ректорига ҳамда ўқув ва илмий-методик ишлар юзасидан олий таълим муассасасининг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорларига бўйсунади.

45. Сиртқи (максус сиртқи) бўлимни сақлаш билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағлари) ҳисобидан амалга оширилади.

46. Сиртқи (максус сиртқи) бўлим фаолияти ҳар бир ўқув семестри охирида тегишли факультетлар ўқув-методик кенгашида ва ўқув йили яқунида олий таълим муассасаси кенгашида муҳокама этилади.

## **8-боб. Якунловчи қоида**

47. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Олий таълим муассасасида кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «[Таълим тўғрисида](#)» ва «[Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида](#)»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3153-сон қарори асосида олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида кечки (сменали) таълим Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ ташкил этилади.

3. Ушбу Низом соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Кечки (сменали) таълимга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил қилиш**

4. Кечки (сменали) таълимга талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнданги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА** мувофиқ амалга оширилади.

5. Кечки (сменали) таълимда ўқиши муддати — камида 4,5 йил.

6. Кечки (сменали) таълимга кирган шахсларга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

7. Кечки (сменали) таълим талабаларини ўқув-методик адабиётлар, ўқув-методик ҳужжатлар, тарқатма материаллар билан олий таълим муассасаси таъминлайди ва билим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

8. Кечки (сменали) таълим талабалари олий таълим муассасасининг барча ўқув жиҳозлари, аудиторияси, лабораторияси, кутубхонаси, ахборот-ресурс марказлари ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалари хизматидан бепул фойдаланади.

9. Кечки (сменали) таълимда ўқиши бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати кундузги таълим билан бир хил нисбатда белгиланади.

10. Кечки (сменали) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнданги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА** асосан амалга оширилади.

11. Кечки (сменали) таълимдан сиртқи (максус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчисига кўчиришга йўл қўйилмайди.

## **3-боб. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёнини ташкил қилиш**

12. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим йўналишлари малака талаблари асосида тайёрланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги томонидан кундузги таълим учун тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ташкил этилади.

13. Кечки (сменали) таълим таълим йўналишларининг ишчи ўқув режаси ва фан дастурлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

14. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни жадвали белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режаси таркибида қайд этилади.

15. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни бир ўқув йилида икки семестрли бўлиб, ўқув машғулотларини ўтказиш кундузги таълим билан бир хил тартибда ташкил этилади.

16. Кечки (сменали) таълим талабаси тасдиқланган ишчи ўқув режасидаги барча ўқув фанларини ўзлаштириши шарт.

17. Кечки (сменали) таълимда ўқиши одатда кундузги смена меҳнат фаолиятидан кейинги вақтда аудитория машғулотлари (маъруза, амалий, лаборатория) шаклида ҳамда талабаларни асосий иш жойидан ажralмаган ҳолда мустақил, жумладан, масофадан туриб ўқитиш шаклида амалга оширилади.

18. Ўқув машғулотлари олий таълим муассасаси ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг вақт ва имкониятларини инобатга олган ҳолда талабаларнинг меҳнат фаолияти сменасига

мувофиқлаштирилиб куннинг биринчи ярмида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бунда мазкур талабалар сони академик гурух шакллантириш даражасида бўлиши лозим.

19. Кечки (сменали) таълимда ўқиш (кундузги таълимдан фарқли равища) бир ҳафтада, одатда, беш кун амалга оширилади ва хафталик ўқув соати ҳажми 20 академик соат қилиб белгиланади.

20. Кечки (сменали) таълимда маъруза ўқиш, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказиша илғор усул ва технологиялардан (жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гурух бўлиб ечиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва бошқалардан) фойдаланилади.

21. Кечки (сменали) таълимда талабалар билимини баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Кечки (сменали) таълимда оралиқ ва якуний баҳолаш турлари жорий қилинади. Ўқув фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб жорий баҳолаш тури жорий қилиниши мумкин.

Оралиқ иш мазмuni, уни бажариш усул ва тартиблари ҳар бир фан бўйича тайёрланган ишчи фан дастурларида белгилаб берилади ва қуидаги мустақил иш турларидан иборат бўлади:

курс (лойиҳаси) иши;  
назорат саволлари ва топшириклари;  
тест-синов саволлари;  
кейслар, машқлар, мисол ва масалалар;  
тажриба натижалари;  
ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга йўналтирилган маҳсус методик ишланмалар ва тавсиялар;

ҳисоб-жадвал ишлари ва бошқалар.

23. Кечки (сменали) таълим талабаларининг малакавий амалиётлари ўқув режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Одатда, битирув малакавий иши олди амалиётидан бошқа амалиётлар (таълим йўналишига мос бўлган ҳолда) талабанинг ишлаб турган иш жойида мустақил равища ўтказилади.

Битирув малакавий иши олди амалиёти талабанинг иш жойи таълим йўналишига мос бўлмаган ҳолда, шунингдек, ишламаётган талабалар учун барча малакавий амалиётлар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган объектда белгиланган тартибда ўтказилади.

24. Муайян курсдаги фанларни тўлиқ ўзлаштирган талаба олий таълим муассасаси ректори бўйруғи билан кейинги курсга ўтказилади.

25. Узрли сабаблар (касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оиласи ҳақида олмаган ҳолда, шунингдек, ишламаётган талабалар учун барча малакавий амалиётлар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади, ундаги муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим.

Шахсий жадвални белгиланган муддатда бажара олмаган талаба қайта ўқиш учун курсда қолдирилади. Талаба биринчи курснинг биринчи семестридаги академик қарздорликни белгиланган муддатда бартараф этмаган тақдирда, талабалар сафидан четлаштирилади, касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар бундан мустасно.

26. Кечки (сменали) таълимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очилади ҳамда унда олий таълим муассасасидаги фаолиятнинг тўлиқ мониторинги юритилиб, қуидаги маълумотлар акс эттирилади:

оралиқ ишларининг бажарилиши;  
оралиқ ва якуний баҳолашлар натижалари;  
давлат аттестацияси баҳолари;  
битирув малакавий иши бўйича баҳо;  
курсдан курсга ўтганлиги.

#### **4-боб. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланиш**

27. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни мустақил масофадан туриб ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

28. Масофадан туриб ўқитиш он-лайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузалар, консультациялар, назорат турларини ўтказиши) ва офф-лайн (масофадан туриб ўқитиш тизимидағи тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равища ўзлаштириш) режимларида ташкил этилади.

29. Масофадан туриб ўқитиш жадвали ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи томонидан белгиланади.

30. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланганда ўқув курсларининг сифати ва самарадорлигининг доимий назорати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Масофадан туриб ўқитишнинг техник таъминоти олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

31. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларини жорий этиш дастурий платформаси, регламенти ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

32. Кечки (сменали) таълимда таълим фаолиятини амалга оширувчи кафедралар профессор-ўқитувчилари масофадан туриб ўқитишида ўқув материаллари, топшириқлар ва маслаҳат-консультатив ишларини олий таълим муассасаси сайтидаги «Кечки (сменали) таълим» саҳифасига жойлаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланган ҳолда таълим берувчи профессор-ўқитувчилар учун ўқув юкламаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи ва тегишли кафедра мудири кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш амалга оширилишини таъминлайди.

Масофадан туриб ўқитишида ўқув-методик жараённи такомиллаштириш ва илмий-методик масалалар олий таълим муассасаси ўқув-методик кенгаши йиғилишида муҳокама қилиб борилади.

#### **5-боб. Кечки (сменали) таълимда давлат аттестациясини ташкил этиш**

34. Кечки (сменали) таълимда давлат аттестацияси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

35. Давлат аттестациялари ўқув режасида кўрсатилган фан (фанлар мажмуаси) бўйича ўтказилади.

36. Битирув малакавий иши олий таълим муассасаси бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва кечки (сменали) таълимда битирув малакавий иши мавзуси ва мазмуни асосан талабаларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

37. Кечки (сменали) таълимда таълим йўналиши ишчи ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига Давлат аттестация комиссиясининг қарори асосида «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги бакалавр дипломи иловаси билан берилади.

#### **6-боб. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёнини бошқариш**

38. Кечки (сменали) таълим ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи томонидан тегишли таълим йўналишлари деканлари билан биргаликда бошқарилади.

39. Кечки (сменали) таълим ташкил этилган олий таълим муассасаларида ўқув-методик бўлим (бошқарма) таркибида кечки (сменали) таълим учун ўқув-методик ишлар бўйича кўшумча методист лавозимлари жорий этилади.

40. Ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи:

кечки (сменали) таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади; иш берувчилар, давлат ва жамоат органлари, таълим тизимини бошқарувчи органлар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар билан ўзаро алоқаларни амалга оширади, талабаларнинг малакавий амалиётлари бўйича шартномаларини расмийлаштиради;

ўқитишининг янги технологиялари татбиқ қилинишини ва талабалар ўзлаштириши назорат қилинишини таъминлайди;

талабалар билан ўкув ва тарбиявий ишлар олиб бориш самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбирларни, бўлим ходимларининг ички тартиб ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилишини ташкил этади;

ўкув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг ўкув-методик, илмий ишларини режалаштиради, ташкил этади ва мувофиқлаштиради; олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисларида, ректоратда, факультет ва кафедраларда кечки (сменали) таълим манфаатларини ўз ваколати доирасида ҳимоя қиласида оширади;

кечки (сменали) таълим масалалари бўйича олий таълим муассасасининг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқасини таъминлайди.

41. Кечки (сменали) таълим маъмурий бошқарув жиҳатдан олий таълим муассасаси ректорига ҳамда ўкув ва илмий-методик ишлар юзасидан олий таълим муассасаси ўкув ва илмий ишлар бўйича проректорларига бўйсунади.

42. Кечки (сменали) таълим билан боғлиқ ҳаражатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағлари) ҳисобидан амалга оширилади.

## **7-боб. Якунловчи қоида**

43. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2017 й., 09/17/930/0301-сон; 01.02.2020 й., 09/20/59/0126-сон)*